



XALQ DEPUTATLARI YASHNOBOD TUMAN KENGASHINING QARORI

2022 - yil 20 - oktabr

П-68-126-14-203-К/22

Yashnobod tuman hokimligi

Яшнобод тумани ҳокимлиги қошида очилган “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” маблағларини ишлатилиши ҳамда Яшнобод туман маҳаллий бюджетидан маблағ олувчи ташкилотлар харажатлар сметасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сон ҳамда 2022 йил 26 январдаги ва 2022 йил 30 июндаги “Туман (шаҳар) бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисидаги намунавий Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги КҚ-302-IV-сон, 2022 йил 30 июндаги КҚ-377-IV-сон, 2022 йил 20 сентябрдаги КҚ-406-IV-сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 26 сентябрдаги 03/03-32/2200-сонли кўрсатма хатини инобатга олган ҳолда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 120 ва 148-моддалари, Молия вазирлигининг 2022 йил 1 апрелдаги 45-сон буйруғи, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига асосан Халқ депутатлари Яшнобод тумани Кенгаши,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 26 сентябрдаги 03/03-32/2200-сонли кўрсатма хати маълумот ва ижро учун қабул

қилинсин.

2. Халқ депутатлари Яшнобод туман Кенгашининг 2022 йил 12 апрелдаги “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” маблағларини йўналтириш тўғрисида”ги П-57-46-14-203-К/22-сонли қарорига асосан жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни ташаббусли бюджетлаштириш жараёнининг 2022 йил биринчи мавсуми натижалари бўйича Яшнобод туман Молия бўлимининг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Фуқаролар ташаббуси жамғармаси маблағларини шакллантирилиши юзасидан маълумот (1-иловага мувофиқ);

Яшнобод туман ҳокимлиги қошида очилган Фуқаролар ташаббуси жамғармасидан жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган (“Ғолиб” деб топилган) тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилган маблағлар миқдори (2-иловага мувофиқ);

Яшнобод туман ҳокимлиги қошида очилган Фуқаролар ташаббуси жамғармасидаги қолдиқ маблағлар (3-иловага мувофиқ) тасдиқлансин.

3. Туман ҳокимлиги ва тумандаги бюджет ташкилотлари:

Ғолиб деб топилган лойиҳалар бўйича барча ишларни қисқа муддатларда яқунлаш чораларини кўрилиши таъминлансин, шу жумладан лойиҳа-смета ҳужжатларини расмийлаштириш, пудратчилар билан шартномаларни тузиш, бажарилган ишлар учун касса харажатларини ўрнатилган тартибда амалга ошириш;

2022 йилда ўтказилган ташаббусли бюджет жараёнининг биринчи мавсуми яқунларига кўра ишларни амалга ошириш учун ҳисоб рақамларга ажратилган маблағларнинг тадбирлар тўлиқ амалга оширилиши натижасида бўшаб қолган (иқтисод қилинган) қисмини жамғармага қайта тиклаш чораларини кўрсин;

2022 йил иккинчи мавсумида “Ғолиб” деб топилган 8 та лойиҳалар бўйича барча ишларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз вақтида амалга ошириши таъминлансин (4-илова).

4. Туман ҳокимлиги матбуот хизмати (Д.Абдухаликов), тегишли корхона ва ташкилотлар билан биргаликда:

жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирлар учун назарда тутилган маблағлар миқдорини “Очиқ бюджет” ахборот портали ва оммавий

ахборот воситалари орқали жамоатчиликка етказиш;

тасдиқланаган ҳисоботларни туман ҳокимлигининг расмий веб-сайти ва “Очиқ бюджет” ахборот порталига юклаш чораларини кўрсин.

5. Яшнобод тумани ҳокимининг қарори асосида, 2022 йил якунига қадар бюджет ташкилотларининг муурожаатларига асосан маҳаллий бюджет маблағлари доирасида иқтисод қилинган, бўшаб қолган ва мақбуллаштирилган маблағлар ҳисобидан бюджетдан маблағ олувчи ходимларнинг иш ҳақи, озиқ-овқат, коммунал харажатлари, дори-дармон ва бошқа харажатларни ўз вақтида молиялаштирилишини таъминлаш мақсадида бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасига тегишли ўзгартиришларни амалга оширишга рухсат берилсин.

Амалга оширилган ўзгаришлар юзасидан халқ депутатлари Яшнобод тумани Кенгашига ҳисобот киритиб борилсин.

6. Мазкур қарор ижроси назорати Халқ депутатлари Яшнобод туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳатларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси (С.Насретдинов) ва туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Л.Темиров зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси



Б.Раҳманқулов

Xalq deputatlari Yashnobod tuman Kengashining
2022 yil 20 oktabrdagi
II-68-126-14-203-K/22-son qaroriga
1-ilova

**Фуқаролар ташаббуси жамғармаси маблағларини шакллантирилиши юзасидан
МАЪЛУМОТ**

Яшнобод тумани
туман (шаҳар)

1 октябрь (ой) 2022 йил

(минг сўм)

Т/р	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари	Фуқаролар ташаббуси жамғармасига йўналтирилиши лозим бўлган маблағлар				Фуқаролар ташаббуси жамғармасига ҳақиқатда ўтказилган маблағлар	Фарқи	Изоҳ
		1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак			
1.	Туман (шаҳар) бюджетининг тасдиқланган умумий харажатларининг 5 фоиз қисми миқдорида ажратиладиган маблағлар	3 906 000,0	3 902 705,0			7 808 705,0		
2.	Туман (шаҳар) бюджетининг қўшимча манбаларининг 30 фоизи миқдорида ажратиладиган маблағлар							

2.1.	Шу жумладан	эркин қолдиқ маблағлари	1 587 401				1 587 401		
2.2.		даромадларнинг ҳисобот чораклари яқунлари бўйича аниқланадиган прогноздан ошириб бажарилган қисми		1 663 700	1 998 263		3 661 963		
2.3.		давлат даромадига ўтказилган мол- мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар							
2.4.		электрон савдо майдончасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан тушган маблағлар							
2.5.		бюджетдан ажратиладиган маблағлар камайтирилиши натijasида бўшаб қолган маблағлар							
3.	Жами ажратиладиган маблағлар	5 493 401	5 566 405	1 998 263	0	13 058 069			

Xalq deputatlari Yashnobod tuman Kengashining
2022 yil 20 oktabrdagi
II-68-126-14-203-K/22-son qaroriga
2-ilova

Фуқаролар ташаббуси жамғармасидан жамоатчилик фикри асосида 2022 йил 1 мавсумида шакллантирилган (ғолиб деб топилган) тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилган маблағлар юзасидан

МАЪЛУМОТ

Яшнобод тумани туман (шаҳар)				1 октябрь (ой) 2022 йил
---------------------------------	--	--	--	-------------------------

(минг сўм)

Т/р	Тадбирнинг хос рақами (ID)	Жами тўпланган овозлар сони	шундан		Тадбирнинг қисқача мазмуни (соҳаси)	Тадбирнинг молиялаштирилиши (минг сўм)					
			онлайн овозлар	SMS орқали		Тадбирни молиялаштириш учун очилган ҳисобварақ	Тадбирнинг фуқаро томонидан киритилган дастлабки қиймати	Тадбирни амалга ошириш қиймати*	Ажратилган маблағлар	Бажарилган ишлар учун тўлаб берилган маблағлар	Қолдиқ маблағлар
1	0030400003	624	6	618	Тошкент шаҳар Яшнобод тумани Уйсозлар (Панельний) кўчасидаги ички йўлларни таъмирлаш.	401722860262907045203110001	800 000	1 041 840	1 080 000	1 027 374,2	52 625,8
2	0030400099	887	17	870	Яшнобод туманидаги 4-болалар стоматологияни жорий таъмирлаш	401722860262907072201054001	1 000 000	947 113,6	1 000 000	905 535,3	94 464,7
3	0030400106	862	8	854	Уйсозлар МФЙ Қурувчи кўчасини асфат билан қоплаш.	401722860262907045203110002	500 000	1 055 801,5	1 080 000	1 043 812,4	36 187,6
4	0030400125	644	13	631	Бешариқ МФЙ Хосиятли кўчаси асфалт билан қоплаш	401722860262907045203110003	50 000	988 360	1 080 000	940 342,0	139 658,0

5	0030400127	803	4	799	Бешариқ МФЙ Авиасозлар шох кўчаси асфальт билан қоплаш	401722860262907045203110004	50 000	988 360	1 080 000	940 342,0	139 658,0
6	0030400188	800	8	792	Авиасозлар 1 кучаси Автогураргохни асфальт билан қоплаш	401722860262907045203110005	40 000	988 360	1 080 000	940 342,0	139 658,0
Жами:							2 440 000	6 009 835	6 400 000	5 797 747,9	602 252

Xalq deputatlari Yashnobod tuman
Kengashining
2022 yil 20 oktabrdagi
II-68-126-14-203-K/22-son qaroriga
3-ilova

**Яшнобод туман ҳокимлиги қошида очилган Фуқаролар ташаббуси
жамғармасидаги қолдиқ маблағлар тўғрисида**

МАЪЛУМОТ

Яшнобод тумани
туман (шаҳар)

1 октябрь (ой) 2022 йил

1-жадвал

Т/р	Кўрсаткич номи	Сумма
		(минг сўм)
1.	Йил бошига қолдиқ (01.01.2022)	1 239 400
2.	Фуқаролар ташаббуси жамғармасига ўтказилган маблағлар *	13 058 069
3.	Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган (ғолиб деб топилган) тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилган маблағлар **	6 400 000
3.1.	Тадбирларни амалга ошираётган пудратчи ташкилотларга бажарилган ишлар учун тўланган маблағлар	5 797 748
3.2.	Тадбирларни молиялаштиришга ажратилган, бироқ пудратчи ташкилотларга тўлаб берилмаган қолдиқ маблағлар	602 252
4.	Фуқаролар ташаббуси жамғармасидаги қолдиқ маблағлар	7 897 469

2-жадвал

Т/р	Бажарилган тадбирлар номи	Молиялаштирилган таклифлар сони	кўрсаткичлар		
			ўлчов бирлиги	миқдори	сарфланган маблағлар
1.	Худудий ички йўллар	5	умумий узунлиги (метр кв)	45545	4 892 213
2.	Умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва жиҳозлаш		сони		
3.	Мактабгача таълим муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш		сони		
4.	Соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш	1	сони	1	905 535

5.	Бошқа ижтимоий соҳа муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш		сони		
6.	Ичимлик суви таъминотини яхшилаш		умумий узунлиги		
7.	Кўча чироқларини ўрнатиш		чироқлар сони		
8.	Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш		тадбирлар сони		
9.	Бошқа тадбирлар		сони		
жами		6	X	X	5 797 748

Xalq deputatlari Yashnobod tuman Kengashining
2022 yil 20 oktabrdagi
II-68-126-14-203-K/22-son qaroriga
4-ilova

**Тошкент шаҳар Яшнобод тумани бўйича 2022 йил иккинчи мавсумида жамоатчилик фикри асосида шаклланган (ғолиб деб топилган) лойиҳалар
РЎЙҲАТИ**

№	Ғолиб таклиф маълумотлари				Тўплаган овозлари сони	Амалга оширишнинг талаб этиладиган дастлабки маблағ қиймати	Молиялаштириш манбаси (ФТЖ, қўшимча манба, бюджет параметри)	Буюртмачи ташкилот
	Таклиф ID рақами	Аниқ манзили ёки балансда сақловчи корхонанинг манзили ва номи	Қисқача мазмуни					
"Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"да шаклланган маблағ						х	х	
1	0030600079	Яшнобод тумани, Жарқўрғон МФЙ, Жарқўрғон кўчаси, 37-уй.	4 сон болалар стоматология поликлиникаси моддий техник базасини мустахкамлаш. Шу жумладан:	1449	1 200 000 000	"Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"	Туман тиббиёт бирлашмаси	
2	0030600587	Яшнобод тумани, Янги Давр МФЙ, Жарқўрғон кўчаси, 4-уй.	156-сонли умумтаълим мактабининг Фасад қисмини таъмирлаш.	1166	575 000 000	"Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"	Туман халқ таълими бўлими	

3	0030600840	Яшнобод тумани, Ширинобод МФЙ, Ош 1-тор кўчаси, 6 а-уй.	2 Шаҳар Клиник Шифохонасини (Нуроний) жорий таъмирлаш. Эски ром- эшикларни алмаштириш, рентген хонаси ва бино эски йулакларини таъмирлаш, палаталарни, ошхона ва коридорларни қисман жорий таъмирлаш.	1092	1 000 000 000	"Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"	2-сон Шаҳар клиник шифохонаси (олдинги Нуроний)
4	0030600173	Яшнобод тумани, Кўксарой МФЙ, Тўрткул кўчаси, 81-уй	Яшнобод тумани Кўксарой МФЙ идораси орқа томонда буш турган ерга маҳалла кексаларига маънавий ва маданий дам олиш гузари барпо этиш учун.	1016	1 000 000 000	"Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"	Туман ҳокимлиги/Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" ИК ДУК
5	0030600624	Яшнобод тумани, Тузел МФЙ, Тузель 1-мавзе, 37- уй.	152-сонли умумтаълим мактабининг фасад қисмини таъмирлаш.	975	1 100 000 000	"Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"	Туман халқ таълими бўлими
6	0030600575	Яшнобод тумани, Истиклол МФЙ, С.Машхадий кўчаси, 123/1-уй	Яшнобод тумани 307 мактаб территориясида асфалт билан қоплаш.	967	250 000 000	"Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"	Туман халқ таълими бўлими

7	0030600541	Яшнобод тумани, Тузел МФЙ, Тузел 1-мавзе 49а-уй,	31-сонли оилавий поликлиника қозонхонасини жорий таъмирлаш.	758	1 000 000 000	"Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"	Туман тиббиёт бирлашмаси
8	0030600588	Яшнобод тумани, Ўрта Масжид МФЙ, Оҳанграбо кўчаси, 1-уй.	212-сонли умумтаълим мактабининг таъмирталаб. Фасад қисмини таъмирлаш ва ички йўлакларини асфалт қилиш.	623	1 005 000 000	"Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"	Туман халқ таълими бўлими
Жами				8046	7 130 000 000		